# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 60 (8.795) ◆ 1996 йил ◆ 22 май, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## МДҲ ДОИРАСИДА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ДЕМОКРАТИК ҲАМКОРЛИК УЧУН

*Таҳририятдан: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 17 май куни МДҲга аъзо давлатлар бошлиқлари кенгашининг мажлисидаги баёноти мазмунини эълон қилмоқдамиз, баёнот Ўзбекистон Президенти матбуот хизмати томонидан тарқатилган.*

СССРнинг парчаланиши — жаҳон тарихининг объектив ва қонуний ривожидир, деди Ўзбекистон Президенти, биз бундан мутлақо афсусланмаймиз. Янги давлатлар истиқлол ва мустақилликка эришгач, Россия демократикислоҳотларни бошлаб, сиёсий ҳаётда ҳам, иқтисодий ҳаётда ҳам МДҲ мамлакатлари учун намуна бўлди.

Ҳозирги кунда Президент лавозими учун демократик вазиятда сайловолди кураши бормоқда, бу ҳам биз учун яхши намунадир. Табиийки, биз Россия бошлаган ислоҳотлар давом этиши ва муваффақиятли якунланишини истаймиз.

Яна бир жиҳат тўғрисида гапирмоқчиман. Биз собиқ советлар ҳудудида қарор топган ўзаро ҳурмат муносабатларига энг аввало Россия ва унинг раҳбариятининг янги мустақил давлатлар барқарорлиги ва истиқлолини мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда пухта ўйлаб ўтказаётган сиёсати сабаб деб ҳисоблаймиз. Шубҳасиз, Россиянинг бу демократик йўлини ҳозирги кунда фақат янги мустақил давлатлар эмас, шу билан бирга бутун дунё қўллаб-қувватламоқда.

Сайловда россияликлар ва фақат россияликлар овоз беришини биламиз. Шу билан бирга МДҲ мамлакатларида яшаётган халқлар — биз Россия кимни сайлашига бефарқ қараб тура олмаймиз. Биз буни сир тутмаймиз.

МДҲдаги бошқа мамлакатлардаги вазият Россия Президентликка кимни сайлашига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Башарти Россияда демократик ислоҳотлар давом эттирилса — маълум бир вазият вужудга келади, коммунистлар ғалаба қозонса, вазият бутунлай бошқача бўлади. Бу шубҳасиз орқага қайтиш бўлур эди. Ҳеч шубҳасиз, коммунистларнинг ҳокимият тепасига чиқиши Россиянинг ўзидагина эмас, МДҲнинг бошқа давлатларида ҳам қарама-қаршиликларга олиб келади.

Мен бугун Борис Николаевич Ельциннинг келажакка ишонч билан қарашини қўллаб-қувватлаб, Россия демократик йўлини танлаб олади, деб ишонч билдиришни истар эдим.

*Келажагимиз — мактабда*

## ТЕСТ МАРКАЗИ

Бугунги кунда республикамизнинг деярли барча олий ўқув юрти талабалари кириш имтиҳонларини, ўқиш жараёнида билим даражаларини замонавий компьютерлар ва тест синовлари асосида амалга оширмоқдалар. Олий таълим тизимидаги бу усул ўз самарасини бераётганини кузатган Бектемир тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан 291-мактабда мактаблараро тест маркази ташкил қилинди. Бунинг учун 1,5 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди. Марказга 13 та замонавий электрон ҳисоблаш машиналари сотиб олинди. Бу ерга ишлаш учун юқори малакали 4 та мутахассис таклиф қилинди.

Тест марказини ташкил этишдан мақсад ўқувчиларни мактаб партасида маълум ихтисосга йўналтирган ҳолда олий ўқув юрти дастурларига, кириш имтиҳонларига ҳар томонлама тайёрлаш. Туман миқёсида ўтказилган бу йилги олимпиадалар ҳам ЭҲМда ўтказилди.

## БОЛАЛАРГА БЕПУЛ ТУШЛИК

Фарзандларга, улар яшаётган муҳитга, болалар дунёсига эътибор — эртанги кунимизга масъулият билан қараш демакдир. Бу борада Бектемир тумани ҳокимлигининг ташаббуси таҳсинга сазовор. Туманда мактаб ўқувчиларига кўрсатилаётган эътибор «Соғлом авлод учун» дастурини амалга ошириш йўлидаги илк қадамлардир. Туманда бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантиришни ташкил этиш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда қарорга асосан 1370 та 1- ва 2-синф ўқувчилари учун бепул овқат ташкил қилинган.

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — АМАЛДА

Бу туманда мактаб ўқитувчилари ва раҳбарларини ижтимоий ҳимоялаш ишларига етарли эътибор қаратилмоқда. Жумладан уларни моддий рағбатлантириш мақсадида олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маоши 50 фоиз, биринчи тоифаники 40 фоиз, иккинчи тоифаники 35 фоиз, мутахассислар маоши эса 25 фоиз миқдорида оширилди. Бунга жами 270 минг сўм маблағ ажратилди.

Мунира МИРСОБИРОВА.

## ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАР РАМЗИ

Тошкент чинни заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари тобора кўпайиш билан бир қаторда, уларнинг сифати ҳам таҳсинга лойиқ бўлиб бормоқда. Ранг-баранг гуллар шодаси билан чирой очган коса, пиёлалар, лаганлар қаторидан бугунги кунда «Оқ олтин», «Гул бахмал» чинни чой термалари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу чинни термалар ҳатто халқаро кўргазмада олтин медални ҳам қўлга киритган.

Ҳозирги кунда жамоанинг моҳир чиннисозлари тайёрлаётган эсдалик чинни буюмларида Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур сиймолари билан бир қаторда улар яшаб ижод этган шаҳарларнинг рамзи ҳам акс этмоқда. Бу йил Амир Темур йили бўлганлигини ҳисобга олган чиннисозлар шу кунларда эсдалик чинниларга тарихий шаҳарлардан Хива, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабзнинг рамзи туширилган турли хилдаги гулдонлар, лаганлар, катта гулдонларнинг дастлабки намуналарини тайёрлашди. Бу билан усталар чинниларнинг фақат сонини кўпайтириш эмас, аксинча унинг сифатига алоҳида эътиборни қаратишмоқда.

Гули МУРОДОВА.



*Тошкент кўчалари кундан кунга равон бўлиб, барча қулайликлар яратилмоқда.*
*СУРАТДА: Абдуллаев шоҳкўчасидаги чорраҳа.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Иш билан бандлик*

## МЕҲНАТ БОЗОРИ ШАКЛЛАНЯПТИ

***Куни кеча пойтахтимизнинг Миробод тумани бандлик хизмати ходимлари Темирйўлчилар маданият саройида навбатдаги «Бўш иш жойлари ва вакант лавозимлари» ярмаркасини ўтказдилар.***

Ярмаркага тумандаги ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасалар, олий ва ҳунар-техника билим юртлари мутасаддилари иштирок этиб, ўзларидаги бўш иш ўринларига вақтинча ишсиз юрган фуқароларни таклиф этдилар.

— Ярмарка айни вақтида ўтказилмоқда, — дейди Миробод тумани бандлик хизмати раҳбари Гулчеҳра Азизова. — Худди шу кунларда мактаб ўқувчилари ҳамда олий ва ҳунар-техника билим юртларини битирган талабалар қандай касбни эгалласаммикин, қаерда ишласаммикин, деган ўйда бош қотирадиган палла. Биз ана шу барча таклиф ва талабларни ўрганган ҳолда махсус дастур ишлаб чиққанмиз. Иш якунига кўра,жуда кўп мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабалари ўзларига муносиб иш топишлари керак. Бу саъй-ҳаракатларимиз асосида фақат бир мақсад турибди. Уям бўлса, вақтинча ишсиз қолган фуқароларни ўзларига мақбул бўлган иш жойлари билан таъминлаш. Ҳунар ўрганишни (қисқа курсларда) хоҳлаган фуқароларни икки-уч ойлик ўқув марказига ҳам юбориш кўзда тутилган...

Шу куни меҳнат бозорига ташриф буюрган «Тошкентуйжойинвестқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «Сифат» бирлашмаси, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1- Троллейбус саройи, «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи, Тошкент авиация институти, Тошкент индустриал-педагогика техникуми, «Қизил тонг» акционерлик жамиятига қарашли 48-қизлар ҳунар-техника билим юртлари ва бошқа муассасаларнинг ходимлар бўлими бошлиқлари ва нозирлари ўзларидаги бўш иш ўринларини намойиш этишди. Баъзи корхона ва билим юртлари тайёрлаб келган кўргазмалари диққатга сазовор бўлди.

Меҳнат бозорига шу куни тумандаги 18 та мактаб ўқувчилари (жами 1299 нафар), 33 та саноат корхонаси ва 30 дан ошиқ ташкилот ва муассаса мутасаддилари иштирок этиб, 1175 кишига маслаҳат бериб, 157 нафар фуқарога ишга йўлланма беришди. Бундан ташқари 133 нафар ишсизга компьютер орқали ишга йўлланма берилиб, 49 нафар талабгор янги касб ўрганиш учун ўқув марказига йўлланди.

— Асосан бўш иш ўринлари қурилиш ташкилотларида, саноат корхоналарида бор, — дейди бандлик хизмати раҳбари Г. Азизова. — Ҳамиша бўлганидек, қурувчи, бўёқчи, ғишт терувчи, пайвандчи каби бўш иш ўринларига талаб катта. Бу йил сезилиб турибдики, кўпгина корхоналарда янги-янги шароит ва имтиёзлар яратилмоқда, инсон омилига имкон қадар қулайлик ва енгилликлар вужудга келмоқда. Бу ҳам бўлса, ишлаб чиқаришда бирмунча ўсишга бўлаётган саъй-ҳаракатларнинг ёрқин исботидир. Ўйлаймизки, бундай тадбирларнинг тез-тез уюштириб турилиши кишиларимизнинг меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Зоир ТУРСУНОВ.

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси Стенли Туэмлер Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

❑ Кеча Румыния элчиси Констаин Гирбя ва Яман элчиси Али Абдуллоҳ Ал Бугейрий Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиқларини топширдилар.

❑ Вазирлар Маҳкамаси «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.

❑ 27-28 май кунлари Президент Ислом Каримов Озарбайжон Президенти Гейдар Алиев ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг таклифларига биноан шу мамлакатларда расмий ташриф билан бўлади.

❑ Бугун Марказий Осиё ва Грузиянинг Поти бандаргоҳини ўзаро боғловчи Кавказ янги темир йўлига Ўзбекистондан дастлабки 1000 тонна юк келтирилди. Бу билан Туркманистоннинг Сарахс шаҳрида имзоланган тўрт томонлама битим амалда қўлланила бошланиб, Ўзбекистон шимолий ҳудудларини четлаб, қисқа йўл билан тўғридан-тўғри Қора денгизга чиқиш имконига эга бўлди.

❑ Мамлакатимизга келган Индонезия вакиллар палатасининг делегацияси аъзолари ўтган куни Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раҳбарлари билан учрашдилар.

❑ Сурхондарёда ғалла ўримига ва пилла теришга киришилди.

❑ Бухорода тўрт кун давомида Франция фильмлари фестивали бўлиб ўтди.

❑ Янгийўл туманидаги Халқобод шаҳарчасида «Она ва бола» мажмуи ишга тушди.

❑ Бугун Тошкентда Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожланиш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўтиш даврида ижтимоий сиёсат» мавзуидаги уч кунлик семинар ниҳоясига етди.

❑ Кеча Валюта биржасидаги савдода 1 АҚШ долларининг қиймати 38 сўм даражасида қайд қилинди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Тожикистонда ҳукумат қўшинлари ва мухолифатчилар ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги аҳдлашув муддати яна уч ойга узайтирилди.

❑ 4 июнь куни Владикавказда Озарбайжон, Арманистон, Грузия ва Россия давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви мўлжалланмоқда. Унда Россиянинг Кавказдаги республика, ўлка ва округлари раҳбарлари ҳам иштирок этади.

❑ Россия қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра бу йил мамлакатда 75-78 миллион тонна дон олиниши кутиляпти.

❑ Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатнинг 60 ёшга тўлган фуқаролари омонатларига товон тўлаш тўғрисида Фармон чиқарди.

### ХОРИЖДА

❑ Молдова Президенти Мирча Снегур Президент Сулаймон Демирэлнинг шахсий таклифига биноан бугун Туркияга келди.

❑ БМТ билан Ироқ ўртасидаги музокаралар натижасига кўра Ироққа ҳар уч ойда 1 миллиард долларлик миқдорда нефть сотишга рухсат берилди. Нефть сотишдан тушган пул Қувайт билан урушда зиён кўрганларга товон тўлаш, Ироқ аҳолиси учун озиқ-овқат ва дори-дармонлар сотиб олишга ишлатилади.

❑ Яқинда сайловларда ғалаба қозонган Ли Дэнхуэй расмий равишда Тайван президенти лавозимини эгаллади. У Пекинга ташриф билан бориб, Хитой раҳбарияти билан учрашишга тайёрлигини билдирди.

❑ Буюк Британияга келган Польшанинг собиқ Президенти Лех Валенса Европа Қўшма Штатларининг биринчи президенти бўлиш ниятидалигини айтди.

❑ Президент Билл Клинтон АҚШ Хитойга савдода энг қулай шарт-шароитлар бериши тўғрисида баёнот берди.

❑ Бангладеш шимолий ҳудудларида бўлиб ўтган даҳшатли довул оқибатида 406 киши ҳалок бўлди, 32 мингга яқин киши турли жароҳатлар олди. Фожиа рўй берган ҳудудларда 10 мингтага яқин уй вайронага айланди.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ

***«Ўтмишини унутган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», дейишади. Ўзбекистон истиқлолга юз тутганидан сўнг илгари ноҳақ қораланган ва унутилган яқин ва узоқ ўтмишимизнинг буюк сиймолари ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларга эҳтиром кўрсатиш ишлари йўлга қўйилиши барчамизни шод этмоқда. Хусусан, буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг кенг нишонланиши, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби улуғ сиймоларимиз ҳаёти ва ижодидан халқимизнинг кенг баҳраманд бўлиши истиқлол берган энг тотли неъматлардандир.***

***Шу йилнинг февраль ойида атоқли давлат ва жамоат арбоби, ўзбек халқининг асл фарзанди Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқиши ҳам маънавиятимиз тикланаётганига ёрқин мисолдир. Зеро, Ф. Хўжаевнинг «Халқ оммасига чинакам хизмат қилиш, унга саодатли ҳаётни таъминлаб бериш раҳбар учун энг олий бахтдир» деган сўзлари худди бугунги кунда айтилгандек, замонамизга ҳамоҳангдир. Биз ушбу қутлуғ юбилей муносабати билан жойларда қандай ишлар амалга оширилаётгани билан танишиш мақсадида шаҳримиздаги бир нечта ташкилотларда бўлдик. Қуйида шу ташкилотларнинг мутасаддилари билан бўлган суҳбатларни «Оқшом» муштарийлари эътиборига ҳавола қиламиз.***

*Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига*

## ЭНГ ОЛИЙ БАХТ



***• Жаббор РАЗЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари бошқармасининг бошлиғи:***

— Таниқли давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаевнинг Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, маънавиятини юксалтириш, халқимизни тараққиёт йўлига олиб чиқиш борасидаги улкан хизматлари ҳаммага маълум. Афсуски, илгариги давр тақозоси билан биз юртимизнинг бундай буюк фарзандлари тўғрисида бор ҳақиқатни айта олмасдик. Ана энди ҳақиқатни баралла айтадиган давр келди. Ҳозир Ф. Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўпгина илмий ишлар, ҳужжатли-бадиий асарлар нашрга тайёрланмоқда. Жумладан, таниқли тарихчи олим Мажид Ҳасановнинг «Истиқлол чавандози» ҳужжатли қиссаси, Ислом Усмоновнинг «Мен яшашни истайман» рисолалари «Ўзбекистон» нашриётида босмага тайёрланмоқда. Бундан ташқари, «Адолат», «Фан» нашриётларида ҳам Ф. Хўжаев фаолияти билан боғлиқ бошқа асарлар нашр этилиши мўлжалланяпти. Ўйлаймизки, яқин орада ушбу асарлар китобхонлар қўлига етиб боради.

***• Зиёдулла ДАВРОНОВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг масъул ташкилотчиси:***

— Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқиши биланоқ Ўзбекистон Фанлар академияси билан биргаликда ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар режасини туздик. Мазкур режа асосида ҳозир марказимизнинг вилоят ва туман бўлимларида қизғин ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир жойларда Ф. Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига оид давра суҳбатлари, маърузалар уюштирилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Миробод туманидаги темир йўл ходимларини тайёрлаш билим юртида «Ф. Хўжаев буюк саркарда ва давлат арбоби» мавзуида тарихчи олим ва файласуфларнинг чиқишлари ташкил қилинди. Худди шу мавзудаги тадбир Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимлари учун ҳам ўтказилди. Яккасарой туманидаги Туркистон, Чилонзор туманидаги Зарафшон маҳаллаларида эса «Ф. Хўжаев — ўзбек миллатининг оташқалб фарзанди» мавзуида илмий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Бундан ташқари Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг миллий ва умуминсоний қадриятлар бўлими қошидаги кенгаш аъзоси, фалсафа фанлари номзоди Замира Туленованинг «Ф. Хўжаев'нинг педагогик қарашлари» номли рисоласи чоп этилмоқда.

Умуман, марказимиз республикамизнинг барча вилоятларида Ф. Хўжаев хотирасига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларга бош-қош бўлмоқда. Уларни ўтказишда марказимиз жонкуярлари — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Н. Аминов, фалсафа фанлари доктори, профессор Т. Саксонов, ёзувчи ва драматург А. Иброҳимов, шоира Т. Содиқовалар фаол иштирок этмоқдалар.

Турли меҳнат жамоалари, корхона ва ташкилотларда тадбирларни ташкил қилишда марказимизнинг Тошкент шаҳар бўлими айниқса фаол қатнашмоқда.

Ҳозир республика Фанлар академияси билан биргаликда Тошкентда Ф. Хўжаев ижодига бағишланган илмий конференция ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз.

***• Наталья ГРЕВЦЕВА, «Ўзбекистон маркаси» нашриёт марказининг директор ўринбосари:***

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Алоқа вазирининг буйруғига кўра февраль ойининг охиридан Ф. Хўжаев сиймоси акс эттирилган почта маркалари, конвертлар, откриткалар чиқариш бўйича фаолият бошладик. Дастлаб, Ф. Хўжаев суратини изладик. Бунда республика тарих музейи бизга катта кўмак берди. Кўпгина суратлар ичидан Ф. Хўжаевнинг шахсий архивига тегишли бўлган, тарих музейи фондларида сақланаётган 1936 йилда олинган суратни танлаб олдик. Ушбу фотопортрет асосида безовчи рассом М. Баклуқов безак берган марка, откриткали конвертдан иборат комплект марказимиз бадиий кенгаши томонидан маъқул деб топилди. Ҳозир ушбу комплектни тайёрлашга буюртма берилган. Ўйлаймизки, яқин орада «Ўзбекистон» нашриётидан откриткали конверт, Республика Марказий банки томонидан эса юбилей маркаси чиқарилади.

Дилшод ИСМОИЛ ўғли ёзиб олди.

*Ошкора мулоқот*

## ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

***21 май куни Президент девонидаги Ахборот марказида оммавий ахборот воситалари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси божхона бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Саидазим Орипов билан бўлиб ўтган учрашувида журналистлар мустақилликка эришган мамлакатимизда божхона тизими ва унинг амалга ошираётган серқирра фаолияти билан боғлиқ кўпгина қизиқарли далилларни олдилар.***

Анъанавий бу учрашувда божхона тизими бундан минг йиллар олдин ҳам мавжуд бўлганлигию собиқ иттифоқ даврида бундай хизмат фақатгина сайёҳларнинг жомадонларини текширадиган соҳага тушиб қолганлиги ва ниҳоят саксонинчи йилларнинг охирига бориб божхона хизматига бирмунча эътибор берила бошлаганлиги ҳақида, мустақилликка эришилганидан сўнг эса ўзбек миллий божхонасига асос солинганлиги ва ҳозирги пайтда у давлат иқтисодиётини муҳофаза қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани бажарадиган тизимга айланганлиги ҳақида сўз борди.

Маълумки, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида экспорт ва импорт операцияларини бажаришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати борган сари авж олмоқда. Ана шундай шароитда божхона тизими, божхонада ишлаётган ходимларнинг бажарадиган юмушлари салмоғи янада ошади. Республика эҳтиёжлари учун керакли бўлган моддий товар бойликларини олиб келиш, уларнинг сифатига эътиборни қаратиш, шунингдек, республикадан четга олиб кетилаётган ва мамлакатимизга четдан келтирилаётган товарлар ҳажмининг мутаносиблигини сақлаш, мувофиқлик сертификатларини етарли назорат остига олиш, мамлакатга зарарли ва тақиқланган нарсаларнинг олиб кирилишига йўл қўймаслик ва ўз навбатида мамлакатимиздан ноёб буюмларнинг қонунга хилоф тарзда олиб чиқиб кетилишига ғов қўйиш сингари бири-биридан масъулиятли вазифалар ҳам божхона хизмати олдидаги юмушлардир.

Учрашувда оммавий ахборот воситалари ходимлари божхона хизмати билан боғлиқ яна ўзларини қизиқтирган бир қанча саволларга атрофлича жавоб олишга эришдилар. Бинобарин улар ҳозирги пайтда лойиҳаси тайёрланаётган янги қонунда божхона хизмати фаолияти доирасини кенгайтириш кўзда тутилаётганлиги, республикамизда божхона хизмати ходимларини тайёрлаш масалаларига муҳим эътибор қаратилаётганлиги, бу борада марказ иш бошлаганлиги, божхона хизматига ходимларни ишга қабул қилиш тест усулида жорий қилинганлиги тўғрисидаги далиллардан воқиф бўлдилар. Божхона хизматига ўзини бахшида этган киши, деб таъкидланди учрашувда, кўп нарсаларни билиши, чуқур билимга эга бўлиши керак. Чунки у қандай товар бойликларини четга чиқариш ёки чиқармаслик кераклигини беш қўлдек билиши даркор. Тажрибалар шуни кўрсатяптики, четга олиб кетилаётган баённомаларнинг тўрттасидан биттасида ҳамон қоида бузиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Бу ишда божхона ходимлари мустаҳкам ғов қўйишлари керак. Учрашувда дунёнинг ривожланган мамлакатларида, айниқса Европа давлатларида божхона хизмати жуда ҳам тараққий этганлиги, у техник жиҳатдан кучли қуролланганлиги, бунда компьютерлар хизматидан самарали фойдаланилаётганлиги, ана шундай чет эл тажрибаларидан келажакда республикамиз божхона хизматида ҳам кенг фойдаланиш учун муайян равишда саъй-ҳаракатлар қилинаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Саид СОЛИЕВ.

*Футбол*

## МАЙДОНДА «АСБОБСОЗ» ВА «ЛОЧИН»

***Юнусобод туманидаги ишқибозлар билан лиқ тўла «Асбобсоз» ўйингоҳида футбол бўйича Ўзбекистон республикаси миллий чемпионати II лига Тошкент минтақаси жамоалари ва туманда янги футбол мавсумининг очилишига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.***

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти аъзолари, «Дўстлик» маданият уйининг «Фламинго», А. Қодирий номли маданият уйининг «Настарин» дасталари, 532-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг қувноқ чиқишларидан сўнг Юнусобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Қурбонов, «Самсунг электроникс» компаниясининг дилери ҳисобланмиш Тошкентдаги «Тоу компани лимитед» қўшма корхонасининг бош директори Жунг Ги Холар барча ўйинчилар ва ишқибозларни янги мавсумнинг очилиши билан табриклашди. Сўнг майдон эгалари бўлмиш «Асбобсоз» командаси аъзоларига бош ҳомийлари — «Тоу компани лимитед» қўшма корхонаси томонидан бир тўпламдан футбол кийими совға қилинди.

Яшил майдонга ишқибозлар қарсаклари остида «Асбобсоз» ва Чилонзор туманининг «Лочин» командалари тушгач, қизиқарли ўйин бошланди. Иккинчи бўлим бошларида киритилган ягона тўп ўйин тақдирини меҳмонлар ҳисобига ҳал этди. Беллашув тугагач, ҳар иккала жамоанинг энг яхши ўйинчиларига махсус совғалар топширилди.

Дилмурод ИСЛОМОВ.

